

мenschliche Natur und ethische Entscheidungen bieten ihre Werke nicht nur Unterhaltung, sondern auch wertvolle Möglichkeiten zur Selbstbeobachtung und zum persönlichen Wachstum.

#### **Verweise:**

1. Ma'ripov J. K. EINE KURZE INFORMATION ÜBER ZEITFORMEN //O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA. – C. 464.
2. Tolibovna A. K. et al. Merkmale des anthropozentrischen Studiums heiliger Texte //Open Access Repository. – 2022. – T. 8. – №. 1. – C. 5-10.
3. Tolibovna A. K. et al. Funktionen von Anspielung als Marker für Intertextualität und Vorrang //European Multidisciplinary Journal of Modern Science. – 2022. – T. 6. – C. 485-487.
4. Ma'ripov J. KОРПУС HAQIDA UMUMIY TUSHUNCHA //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 175-178.
5. Ma'ripov J. Antroposentrizm–tilshunoslikning zamonaviy yonalishi sifatida //Neue Forschung im modernen Zeitalter: Theorie und Praxis. – 2022. – Т. 1. – №. 28. – С. 62-68.
6. Solnyshkina M. I. et al. WICHTIG IST ES, ZIELE ZU SETZEN. SMART GOALS //Neue Entwicklungen: Entwicklung im 21. Jahrhundert. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 318-320.
7. LERNER I. Jizzakh-Zweigstelle der Nationalen Universität Usbekistans, benannt nach Mirzo Ulugbek, Fakultät für Psychologie, Dozent an der Abteilung für Fremdsprachen.

## **ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОН ҲАҚИДА ҚАРАШЛАР**

**Шодиева Шохида Инатовна**

Жиззах давлат педагогика университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада лексик-семантик майдон оламнинг лисоний ва бадий манзарасининг бир қисми эканлиги борасида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** коммуникатив сифат, семантик макон, компонент, лексик-семантик гуруҳ, ментал тузилма, лексик синф, суперконцепт.

“Табиийки, ҳар қандай нутқнинг асосий мақсадларидан бири тингловчи ёки ўқувчи онгига таъсир этишдан иборат. Бу мақсадни амалга оширишда эса нутқнинг муайян бир сифати эмас, балки барча коммуникатив сифатлари у ёки бу даражада иштирок этади. Зотан, тўғри ёки аниқ бўлмаган, бой ёки мантиқий бўлмаган, соф ёки жўяли бўлмаган нутқнинг таъсирчанлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Лекин айтиш пайтда нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда ифодалилик сифатининг алоҳида, ҳатто ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидламоқ жоиз.” Ватан концепти ҳақида фикр юритганда таъкидлаш жоизки, бу тушунча халқимиз яшаётган макон тасаввури билан чамбарчас боғлиқ.

Концептни ҳосил қилувчи таркибий қисмларнинг семантик маконида майдонни шакллантирувчи ўзак Ватан лексемасидир. Бадий матнда Ватан лексемаси атрофида тўпланувчи компонентлар семантик жиҳатдан мазкур лексемага боғланади. Шу ўринда ижодкорнинг индивидуал услуби ҳам бу майдонни бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Ватан концептуал майдони ҳудудида ўзбек тилидаги турли сатҳларга тааллуқли бўлган тил бирликлари тенг мавкеда, ҳажм жиҳатдан эса сўздан матнгача қамраб олади. Улар тузилиши, тилнинг қайси сатҳига оидлиги, семантик хусусияти билан фарқ қилади, аммо ижодкорнинг онгида ўрнашиб қолган умумий мазмун билан бирлашган. Мисол учун, маданиятнинг маънавий кодида “Ватан” концепти ўз семантик майдонига қабул қилган лексик бирликлар билан бирга умумийлик ҳосил қилади, семантик жиҳатдан шу тилда сўзлашувчилар унинг мазмунини бирдай қабул қилади.

Лексик-семантик майдон оламнинг лисоний ва бадий манзарасининг бир қисми ҳисобланади. Инсон томонидан атроф дунёни маънавий (қисман амалий) ўзлаштиришнинг турли томон ва даражаларини акс эттирган манзара ўзида катта маъно ташиydi. Рус тилшуносларидан Л.М.Васильев майдон ҳақида фикр юритар экан, семантик майдон ва лексик-семантик майдонни ўзаро фарқлайди ва уларни алоҳида ўрганишни таклиф қилади. Олимнинг фикрича, лексик-семантик майдон термини майдон турлари таснифига илгариги тилшунослар лексик-семантик гуруҳлар деб атаган турларни ҳам киритиш имкони пайдо бўлади.

Б.Ю.Городецкий семантик майдонни тавсифлашда маъновий муносабат нуқтаи назаридан ёндашади. Унинг фикрича, семантик майдон – бу қандайдир семантик компонент билан маълум ўхшашликка эга бўлган ва ўзига хос маъновий муносабатларга боғлиқ бўлган тил бирликлари йиғиндиси. Шундай қилиб, биз “лексик-семантик майдон” термини “семантик майдон” терминига нисбатан лексик кўламни ифодалашига кўра тор ҳисобланса-да, кўпинча бу терминлар тилшуносликка доир тадқиқотларда ўзаро синоним сифатида қўлланилишини кўрамиз.

Алоҳида олинган ижодкор асарларида “Ватан” лексик-семантик майдонини махсус тадқиқ этган В.Б. Тюриннинг таъкидлашича, лексик-семантик майдон тушунчасининг ягона аниқ изоҳи бўлмаса-да, кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этилган базавий белгиларини кўрсатиш мумкин.


Биринчидан, лексик-семантик майдон ўзида ўзаро боғлиқ бўлган семантик бирликларни акс эттиради.

Иккинчидан, лексик-семантик майдон асосида майдоннинг барча компонентлари билан боғлиқ бўлган ядро элементи ётади.

Учинчидан, лексик- семантик майдон бўлиши шарт бўлган икки ҳудуддан –ядро ва перифериядан иборат структурага эга. Шундай қилиб, лексик-семантик майдон - бу умумий ядро элементига эга, ўзаро боғлиқ бўлган семантик бирликлар системасидир.

Келтирилган фикрларни бир умумий нуқтага бирлаштирсак, лексик синф ядросига барчага маълум бўлган ва умумқўлланилувчи сўзлар, периферияга эса кам қўлланилувчи ва кўпчиликка унча таниш бўлмаган сўзлар киритилиши аниқ

бўлади. Юқорида берилган таърифга кўра, ядро ва периферия нуқтаи назаридан қуйидагича схемалаштириш мумкин:



Ватан концепти тузилишида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор концептуал майдонлар мавжуд. Тилимиздаги мазмунан жой маъносини англатувчи мамлакат, шаҳар, қишлоқ, туғилган жой, туғилган уй қабилар мана шу майдонларга бирлашади ва умумлашган тарзда Ватан концептини шакллантиради. Бундан ташқари, концептуал майдон таркибига инсон яшайдиган ҳудуд, у ернинг табиати, урф-одатлар, миллий-маънавий қадриятлар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лексик birlikлар ҳам киритилади. Бу мазкур ментал тузилманинг кўп қиррали эканлиги ва мураккаблигидан далолат беради ва уни суперконцепт сифатида тавсифлашга имкон беради.

Масалан, ўзбек тилида “Ватан” лексик-семантик майдони ядроси Ватан лексемаси ҳисобланади. Марказ таркибига маъновий жиҳатдан яқин бўлган оила, қишлоқ, диёр, маҳалла, юрт каби сўзлар киради. Периферияда майдон ядроси билан боғланишли алоқада бўлган пахта, деҳқон, бахт, истиқлол, мустақиллик, она юрт, Самарқанд каби бир қатор лексемалар жойлашган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Васильев, Л.М. Теория семантических полей [Текст] / Л.М.Васильев // Вопросы языкознания. – 1971. – № 5. – С.107.
2. Городецкий, Б.Ю. К проблеме семантической типологии [Текст] / Б.Ю.Городецкий. – М.: Издательство Московского университета, 1969.С.173.
3. Махмудов Н.Ўқитувчи нутқи маданияти.Тошкент:Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.2009.Б.163.
4. Моргун А.В. Ядро та периферія лексико-семантичної групи «домашні ссавці» з позицій когнітивних основ словотвору; Серія: Філологія Випуск 1 (37) Науковий вісник Ужгородського університету, 2017.С.19.

5. Тюрин В.Б. Лексико-семантическое поле «Родина» в лирике Н.М.Рубцова. Дисс. соиск. на канд. филол...наук. Нижний Новгород, 2017.С 58..
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/manzara-uz/>

## ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ДУХОВНОГО РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ

Тугалов Исмат Хатамович

Джизакского филиала Национального университета  
Узбекистана

**Аннотация:** Мақолада тарбиянинг эстетик таркибий қисми унинг асосий маъносида шахсининг маънавий маданиятини шакллантириш учун муҳокама қилинади.

**Таянч сўзлар:** таълим, санъат, уйғунлик, ахлоқ, маънавият, эстетик муносабат, шахс, шахс, гуруҳ, жамоа, жамоа.

Сегодня обществом все более отчетливо осознается необходимость внедрения духовных, культурных ценностей в социально-образовательную и личностную практику, при этом осуществляя воспитательную функцию в процессе становления и развития личности. Важным фактором духовного, эмоционального, художественного развития учащихся сегодня является их эстетическое воспитание, которое можно определить как формирование определенного эстетического отношения человека к действительности

*Эстетическое воспитание* – это целенаправленный, организованный процесс формирования у детей развитого эстетического сознания, художественно-эстетического вкуса, способности воспринимать и ценить прекрасное, возвышенное, трагическое, комическое в общественной жизни, природе, искусстве, жить и творить "по законам красоты".

*Эстетическое воспитание* – это формирование определенного эстетического отношения человека к действительности. В процессе эстетического воспитания вырабатывается ориентация личности в мире эстетических ценностей, в соответствии с представлениями об их характере, сложившимися в данном конкретном обществе, приобщение к этим ценностям. Одновременно в эстетическом воспитании формируется и развивается способность человека к эстетическому восприятию и переживанию, его эстетический вкус и идеал, способность к творчеству по законам красоты, к созданию эстетических ценностей в искусстве и вне его (в сфере трудовой деятельности, в быту, в поступках и поведении).

В широком смысле под эстетическим воспитанием понимают целенаправленное формирование у человека его эстетического отношения к действительности. Это специфический вид общественно значимой деятельности, осуществляемой субъектом (общество и его специализированные институты) по отношению к объекту (индивид, личность, группа, коллектив, общность) с целью